

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНДА ИЧКИ НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ТАРТИБИ

Бутунов Шаймардан Бедиёрович

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти катта ўқитувчisi

Аннотация

Корхоналарда харажатларини назорат қилиш ички назорат тизимини жорий этиш орқали амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради. Ички назорат тизиминининг қай даражада ташкил этилиши ва доимо назоратда бўлиши корхона фаолиятидаги салбий оғишишларнинг олдини олиб, корхонанинг эртанги мавқеини мустаҳкамлаб боради.

Калит сўзлар: Ички назорат, фойда, харажат, маҳсулот таннархи, рентабеллик.

Кириш

Иктиносидиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида маҳсулот таннархи кўрсаткичи асосий ўринни эгаллайди. Чунки маҳсулот таннархини камайтириш хўжалик юритувчи субъект фойдасининг ошишига, фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратилишига олиб келади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев ўз маърузаларида қуйидагиларни таъкидлаган: “Биринчи – ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иктиносидий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатлар ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш”¹.

Корхонада бошқарув ҳисобини ташкил этиш жараёнида раҳбарият ички назорат тизимини ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ички назорат тизиминининг қай даражада ташкил этилиши ва доимо назоратда бўлиши корхона фаолиятидаги салбий оғишишларнинг олдини олиб, корхонанинг эртанги мавқеини мустаҳкамлаб боради, чунки маҳсулотни ишлаб чиқариш қанчалик мукаммал бўлса, унинг эртаси шунчалик мустаҳкам бўлади, бу эса ўз-ўзидан соф рақобат шароитида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириб қолмасдан,

¹ Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza, 2017-yil 14-yanvar. - Toshkent: «O’zbekiston», 2017. - 104 b.

балки унинг узоқ давр яшашини таъминлаб ҳам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корхоналарда ички назорат тизимини жорий этиш масаласи қўпчилик олимлар томонидан ўрганилган.

Мешеряков Д.А. “Аудит управлеченческого учета: механизмы организации и оптимизации”, мазкур мақолада аудиторлик текширувида аҳамиятли бўлган масалалар ҳамда бу масалаларни ёритиш учун керак бўладиган хужжатлар, шу билан бир қаторда аудиторлик текширувида аҳамиятли бўлган бошқарув ҳисоби сегментлари келтириб ўтилган².

Корхоналарда бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизимини назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этишга мамлакатимиз олимларидан Рахимов М., Файзиева У., Пардаев А., А.Абдуганиев, Кузиев И. Дўстмуродов Р., А.Каримов, Р.Холбеков, З.Маматов, Н.Каримов, Б.Хасанов, А.Хошимов ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишиланган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, кузатиш, индуксия, дедуксия, тестлаш ва бошқа усуслардан фойдаланилади.

Таҳлил ва асосий натижалар

Ишлаб чиқариш – хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий суюнадиган жараёнидир. Бу жараён корхонанинг молиявий натижасига, яъни фойда ёки зарар билан чиқишига таъсир кўрсатади. Шу билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш зарурияти юзага келади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш туридан қатъий назар, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг асосий иқтисодий мақсади асосий фаолиятнинг даромадини ошириш ҳисобланади, бунинг учун корхона рентабел ишлаши шарт. Корхона рентабеллиги фақатгина маҳсулот ҳажмини ошириш эмас, балки ишлаб чиқарилган маҳсулот реализациясини оширишдан иборат, шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш, яъни ишлаб чиқаришга сарфланадиган учта асосий харажатларни: меҳнат, меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларига сарфларни минималлаштиришdir. Корхонада ишлаб чиқариш жараёни материал, меҳнат ҳақи, молиявий ресурслар оддий ва кенг турдаги асосий фондлар ва айланма маблағларга, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, ўз жамоасининг ижтимоий харажатларини ўз ичига олади. Энг катта улуш маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига тўгри келади. Шу сабабли жами ишлаб чиқариш харажатлари корхонанинг тайёр бўлаётган маҳсулотини кўрсатиб беради. Шунинг учун корхона қанча маҳсулот ишлаб чиқариш керак, қандай баҳода ишлаб чиқариш кераклигини, қанча ишчи кучи талаб қилинишини аниқлаб олиши лозим.

Маҳсулот таннархи - корхона фаолиятини кўрсатиб берувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. У орқали ресурслардан қандай самарали фойдаланганлигини, янги техника ва технологик жараёнлар натижасини, корхонадаги меҳнат тақсимотининг қай даражадалигини, ишлаб чиқариш ва бошқарув натижаларини кўрсатиб беради. Одатда, харажатлар деганда истеъмол қилинган ресурслар ёки товар ва хизматлар учун тўплаш лозим бўлган пул тушунилади.

Бошқариш учун менежерларга шунчаки харажатлар эмас, балки бирор нарсага (маҳсулотга, унинг туркумiga, хизматга) чиқимлар тўғрисидаги, яъни “харажатлар ҳисоби объектига” чиқимлар тўғрисидаги ахборот зарур.

Юқорида таъкидлаганимиздек, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалик

² Mesheryakov D. “Аудит управлеченческого учета: механизмы организации и оптимизации” 2014y maqola 3-bet

фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири, молиявий ҳисбот элементи – бу харажатдир. Ҳар қандай корхона, ташкилот ўз фаолиятини ташкил қилиш жараёнида турли хил сарфларни амалга оширади, масалан, қишлоқ хўжалигида фаолият юритувчи фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш учун меҳнат ҳақи харажатлари (ижтимоий суғурта ажратмалари билан), уруғлик ва кўчат материаллари, ўғитлар, ўсимликни ҳимоя қилиш воситалари ва шу каби бошқа турли харажатларни амалга оширади.

Ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилишда харажатларга эътибор қаратиш муҳим роль ўйнайди. Ишлаб чиқариш харажатларини турли сабабларга кўра классификация қилиш мумкин. Бухгалтерия харажатлари-бу моддий харажатлар микдори бўлиб, ишлаб чиқариш фаолиятида вужудга келади. Улар ҳақиқий харажатлар ҳисобланиб, ўз ичига мол етказиб берувчилар билан боғлик ишларни ҳам олади.

1.Харажатларнинг юзга келишига кўра - жавобгарлик маркази (ишлаб чиқаришга, цехлар, участкаларга) ва ишлаб чиқариш характеристига кўра (асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш) харажатлар.

Харажатлар таркиби ва уларнинг вужудга келишини назорат қилишда нафакат ишлаб чиқариш жараёнига сарфланган харажатлар, балки қайси мақсадда бу харажатлар қилинган, харажатларни қайси йўналишга, яъни технологик жараёнга боғлиқлигига қараб ҳисоблаш лозим.

Харажатларнинг асосий таркибини ўрганиб чиқкан холда, уларни икки турга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисобладик:

Тўғри харажатлар	Эгри харажатлар
Хом-ашё, материал харажатлари	Устама харажатлари
Энергия ва иссиқлик харажатлари	Амартизация харажатлари
Ишчиларга иш ҳақи харажатлари	Бошқарув ходимлари иш ҳақи харажатлари Қарз маблағларига фоиз харажатлари

1-расм. Ишлаб чиқариш харажатлари

Асосий ишлаб чиқариш - бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик. Ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда тўғридан тўғри маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик бўлмаган ишлаб чиқариш тушунилади. Бунда ёрдамчи ишлаб чиқариш ўзининг маҳсулоти билан асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатади.

2. Иқтисодий элементига кўра - харажатлар элементли ва комплексли харажатларга бўлинади. Элементли харажатлар - бу таркибida бир хил турдаги сарфларни олган харажатлардир. Масалан, жами ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари, сарфланган моддий заҳираларнинг қиймати, асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси ва бошқалар. Бундай деталлаштириш қимматликларни тайёрлаш, штатлар жадвалини таҳлил қилиш, тариф ставкалари ва окладларни корректировка қилиш жараёнини режалаштиришга имкон яратиб беради. Уларнинг пул оқимидағи ҳажми молиявий ҳисботда ўз аксини топади.

Комплекс харажлар бир нечта харажатлар элементларидан (умумишлиб чиқариш, умум хўжалик, келгуси давр харажатлар) таркиб топади. Бу харажатларни назорат ва таҳлил қилиш смета ва нормативга асосан амалга оширилади.

3. Маҳсулот таннархига қўшилишига кўра харажат эгри ва тўғри харажатларга бўлинади.

Тўғри харажатлар - маҳсулот, иш, хизматнинг аниқ турига тегишли бўлган харажатлар (материаллар, ишчиларнинг иш ҳақи ва бошқалар) дир.

Эгри харажатлар бир вақтнинг ўзида бир нечта маҳсулот турига тегишли бўлган харажатлар

(електр энергия, иситиш, машина ва ускуналарнинг ишлари)дир. Харажатларнинг бундай ҳисоби таннарх таркиби ва маҳсулот тури бўйича тахлил қилиш имконини беради. Маҳсулот таннархи таркибига тўғри харажатлар элементига кўра бўлинса, эгри харажатлар комплекс моддаларга асосан бўлинади.

Технологик жараёнга кўра харажатларни ишлаб чиқаришда асосий ва қўшимчага бўлиш мумкин (ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, ташкилотни бошқариш). Таркибига кўра қўшимча харажатлар умумишлиб чиқариш харажатлари ва умумхўжалик харажатларига бўлинади.

4. Техник-иқтисодий алоқаси ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлигига кўра харажатларни ўзгарувчан ва доимий харажатларга бўлиш мумкин. Ўзгарувчан харажатлар маҳсулотнинг бир бирлиги учун нормаланади: маҳсулот ҳажми ошиши билан бу харажатлар ҳам ўсади, камайиши билан камаяди. Мисол учун, материал харажатлари, ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари ва бошқалар. Ўзгарувчан харажатлар маҳсулот қийматини характерласа, қолган харажатлар корхона қийматини характерлайди. Бозорни корхонанинг қиймати эмас, балки маҳсулотнинг қиймати қизиқтиради.

Яrim доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади, лекин унга мутаносиб ровошда ўзгармайди, улар босқичма-босқич кўпаяди, яъни ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум даражасигача доимий бўлади, шундан сўнг ҳажми ўзгарганда кўпаяди ва яна ишлаб чиқаришнинг маълум даражасигача ўзгармайди.

Муқобил харажатлар - бу фойдаланилмаган имкониятларга қилинган сарф харажатлардир. Улар бир ҳаракатни танлаш бошқа ҳаракатнинг вужудга келишини истисно қиласидан пайтдаги бой берилган фойдани билдиради. Масалан, спорт сумкалари ишлаб чиқарадиган корхона чемодан тайёрлашга буюртма олди. Агар корхона бу буюртмани қабул қилса, спорт товарларини сотадиган магазинларнинг бутун бир тармоғи учун одатдаги микдорда спорт сумкалари ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш имкониятлари (машина ва иш вақти) етишмайди. Бу буюртмани қабул қилишнинг муқобил харажатлари спорт сумкаларини ишлаб чиқариш имконияти қолмагани сабабли бой берилган фойдадир. Бу бой берилган фойдани спорт сумкаларини сотишдан олинадиган потенсиал даромаддан уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни чиқариб ташлаш йўли билан ҳисбланиши мумкин. Муқобил харажатлар ҳар бир киши қабул қилган қарорида ҳам мавжуд бўлади. Муқобил харажатларга талабани университетда ўқитиш учун сарфланган харажатлар ҳам иш ҳақига қўшилади. Лекин талаба бу вақтда ишламаган ва унга иш ҳақи ҳисбланмагандир. Муқобил харажатлар ҳаракатнинг танлаш чоғида ҳаракатларнинг бошқа вариантиларидан воз кечиши натижасида йўқотилган ёки қурбон қилинган потенсиал наф сифатида аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилишда корхонада юзага келиши мумкин бўлган харажатлар сметасини тузиб чиқиш ва уни раҳбар тасдифидан ўтказиб қўйиш харажатларни бошқаришни осонлаштиради ва қўшимча харажатларни юзага келишини олдини олади. Харажатларни назорат қилишда харажатлар марказига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки айнан ишлаб чиқаришда харажатлар тақсимоти харажатлар жавобгарлик марказида юзага келиб, маҳсулот таннархининг миқдорий кўрсаткичини белгилаб беради. Харажатларни назорат қилишда бир турдаги харажатлар бир кишига юкланиб қолмаслигини алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни моддий материалларни ишлаб чиқариш цехига берувчи моддий жавобгар шахс билан қабул қилиб оловчи цех бошлиғи битта шахс бўлиб қолмаслиги лозим. Йўқса материалларнинг йўқолиши, камомад ҳолатлари юзага келиб чиқади.

Хулоса ва таклифлар

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар кескин бурилиш даврида юқори даражада ўзгаришларга юз берди, бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда ишлаб чиқариш суръатлари кескин даражада ривожланиб бормоқда. Шу сабабли бошқарув ҳисоби ва ички назоратга бўлган талабнинг ошиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ишлаб чиқариш жараёнида бошқарув ҳисобининг самарали ташкил этилиши ва юритилиши ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланиб бормоқда.

Бошқарув ҳисобининг ҳар бир бўлинма бўйича жавобгарлик марказларнинг ташкил этилиши менежерлар ишини анча осонлаштириш, маълумотларнинг аниқ ва ўз вақтидалигини кафолатлади, ҳамда салбий оғишишларнинг келиб чиқиши сабабларини тезкор аниқлашга ёрдам бериб уларнинг келишини олдини олади.

Ички назорат тизимини самарали ташкил этиш ва унинг ижросини ҳам назорат олиш лозим бўлади. Ички назорат тизими бўйича асосий муаммолардан бири норматив ҳукуқий ҳужжатдаги мавжуд камчиликлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 12-sون auditorlik faoliyati milliy standarti “Auditorlik tekshiruvlari jarayonida buxgalteriya hisobi va ichki nazorat tizimini baholash”
2. Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza, 2017-yil 14-yanvar. - Toshkent: «O’zbekiston», 2017. - 104 b.
3. Глущенко А.В. Качество учётной информации как Научная Категория/Глущенко А.В. //Экономический вестник ростовского государственного университета-2008.-№1 -90-94 betlar
4. Mesheryakov D. “Аудит управлеченческого учета: механизмы организации и оптимизации”2014у мақола 3-bet
5. Самедова Э.Н. Понятийно-категориальный анализ системы управлеченческого учета /Э.Н.Самедова //Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия «Экономика». – 2010. - № 2. – С. 242-246.
6. PardayevA.X. PardayevaZ.A. Boshqaruv hisobi /darslik/ -Т “Tafakkur” nashriyoti 2014-396-bet
7. Toshnazarov S.N.. Xalqaro hisob asoslari. Ma’ruza matnlari to’plami. Samarqand-2008. 83-bet
8. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ (pp. 376-378).
9. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. Gospodarka i Innowacje., 29, 202-206.
10. Хуррамов, А. Ф. Туробов Шерзод Алишерович, & Мингбоев Шухрат Мингбай Ўғли (2018). Уй хўжалигига инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми. Экономика и финансы (Узбекистан),(8), 16-20.

11. Хуррамов, А. Ф., Маматов, А. А., Мингбоев, Ш. М. Ў., & Туробов, Ш. А. (2018). Иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланиш моделида уй хўжалигининг тутган ўрни. Экономика и финансы (Узбекистан), (9), 2-6.
12. Тухтабаев, Ж. Ш. (2020). Пандемия шароитида дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари фаолиятининг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли. Молия ва банк иши электрон илмий журнал 2020 йил, № 2 сон. март-апрел. 318-323 б. Молия ва банк иши электрон илмий журнал, (2), 318.
13. Toxirovna, S. G. (2021). Farmers-Food Sustainability Services. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 899-904.
14. Alikulov, A. T., & O'rinnov, K. (2022). O'ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 690-695.
15. Alikulov, Azamat Tugunovich , & O'rinnov, Komiljon (2022). O'ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 690-695.
16. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. Gospodarka i Innowacje., 24, 390-394.
17. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, 2(7).
18. Усанов, А., & Раҳмонқул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 55-60.
19. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Economics and education, 24(2), 272-278.
20. Yakubova, S., & Qosimov, J. (2022). MEVA-SABZAVOTCHILIK SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA KOOPERATSIYA TIZIMINI TASHKIL ETISHNING IQTISODIY ASOSI. " Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 5(7).
21. Yakubova, S. S., Egamberdiyeva, S. R., & Boyqobilov, F. S. (2022). TA'LIM MUASSASASI VA ISHLAB CHIQARISH HAMKORLIGI SALOHIYATLI KADR TAYYORLASHNING ASOSIY OMILIDIR. Gospodarka i Innowacje., 24, 211-216.
22. Alisherovich, T. S., & Ugli, N. B. B. (2023). Internal Control in Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 3(3), 34-39.
23. Alisherovich, T. S. (2023). IMPROVING ACCOUNTING AND ITS MAINTENANCE IN BANKS. Gospodarka i Innowacje., 31, 15-20.
24. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Эффективность производства органических продуктов в сельском хозяйстве. Economics, (2 (45)), 19-22.
25. Hakimovich, B. A., & Khudayberdiyevna, D. M. (2020). Advantages of introducing agrocluster in agriculture. International Journal on Orange Technologies, 2(11), 37-40.
26. Khakimovich, B. K. (2022). Using of Economic Analysis Methods in the Audit of Private Capital. Open Access Repository, 8(04), 62-66.
27. Hakimovich, B. K. (2023). IMPROVEMENT OF PRIVATE CAPITAL AUDIT IN ECONOMIC SUBJECTS ACCORDING TO INTERNATIONAL AUDIT STANDARDS. Gospodarka i Innowacje., 35, 34-40.

28. Бутунов, Ш. Б. (2020). Совершенствование учета финансовых результатов на предприятиях. "Логистика и экономика". Научный электронный журнал, (4).
29. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
30. Музаффарова, К. З., & Эгамбердиева, С. Р. (2022). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ РОЛИ. Журнал Инновации в Экономике, 5(1).
31. Zoyirovna, M. K., & O'gli, A. H. R. (2022). STRONG DIRECTIONS FOR IMPROVING ECONOMIC CAPITAL IN THE TERRITORY OF KASHKADARYA REGION. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 243-247.
32. Rayimovna, E. S., & Normamatovich, X. O. (2021). Kapital Qo „Yilmalar Hisobini Takomillashtirish. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 290-296.
33. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(7), 432-436.
34. Ravshanov, A. (2022). Objective Accounting Issues in the Enterprise. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 83-87.
35. Равшанов, А. Б. (2022). БИОЛОГИК АКТИВ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТҮФРИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАРИ. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMUY JURNALI, 2(7), 31-36.
36. EGAMBERDIYEVNA, A. H., MURTAŽAYEVNA, H. Y., & SABIROVICH, E. A. MODERN PRACTICE OF REGULATING PROCESSES OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS AND APPROACHES TO ITS IMPROVEMENT.
37. Azimova, H. E. (2022). INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 178-182.
38. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
39. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион- инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
40. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
41. Жумаева, Г. Ж. (2023). НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ. *SCHOLAR*, 1(8), 37-42.
42. Jumayeva, G. J. R., & qizi Sultonova, M. O. (2022, December). FERMER XO ‘JALIKLARINING MOLIYAVIY NATIJALARGA TA’SIR QILUVCHI OMILLARNI HISOBBLASH YO ‘LLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 18, pp. 127-130).
43. Bahodirovich, Aminov F. "The Role of Investments in the Innovative Development of the Economy." *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, vol. 4, no. 3, 2022, pp. 112-117.

44. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.